

**86.ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БЎЛИМИ ТЕХНИГИНИНГ
(1-ТОИФА) ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Филиалнинг кафедра ва бўлимларидаги техник воситалар ва ўқув жихозларни техник профилактика кўрувларидан ўтказишни амалга ошириш ҳамда бажарилган ишлар бўйича бўлим бошлиғига ҳисобот тақдим қилиш ва махсус дафтарга қайд этиш барча компьютер ва ташкилий техника воситаларини профилактика қилиш, режа-огоҳлантириш ишларини олиб бориш;
- Техник восита ва ўқув жихозларни буюртмалар асосида таъмирлаш;
- Техник восита ва ўқув жихозларни узлуқсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш;
- Техник восита ва ўқув жихозларни ишлатилиш жараёнида юз берган носозликларни тезкор бартараф этиш;
- Бўлим бошлиғининг қонуний топшириқларини бажариш;
- Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши;

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш;
- Ўрта махсус маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
2547.	Техник	3115	Т	Ўрта-махсус	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра